O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI HOKIMINING
**QARORI**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
**РЕШЕНИЕ**
ХОКИМА НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Navoiy sh. Islom Karimov 77 A
г. Навои пр. Ислама Каримова 77 А

"21" Апрель 2017 у.(г)    № К-125

**Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 2017 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-429-сонли Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 2017 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-429-сонли Қонуни ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қонунга асосан Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужатларига:

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги 734-XII-сонли Қонунига;

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган 863-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига;

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига;

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-1-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-1-сонли Қонунлари билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига;

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги 483-I-сонли Қонунига;

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги 609-I-сонли Қонунига;

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган “Радиочастота спектри тўғрисида”ги 725-I-сонли Қонунига;

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги 813-I-сонли Қонунига;

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги 71-II-сонли Қонунига;

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги 267-II -сонли Қонунига;

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги 358-II -сонли Қонунига;

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 сентябрда қабул қилинган “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги ЎРҚ-53-сонли Қонунига;

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 21 сентябрда қабул қилинган “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги ЎРҚ-55-сонли Қонунига;

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-316-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январда қабул қилинган “Рақобат тўғрисида”ги ЎРҚ-319-сонли Қонунига;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 20 декабрда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ЎРҚ-341-сонли Қонунларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

3. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Раззоқов), вилоят ҳокимининг ўринбосари (Расулов), вилоят ҳокимлиги Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи (У.Шарипов), вилоят адлия бошқармаси (Бахронов), вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Турсунов), вилоят хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси

(Нурмуродов), шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда манфаатдор ташкилот, корхона ва муассасаларга бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2017 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-429-сонли Қонунини ижрочиларга етказиш ҳамда моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва унинг бажарилиши бўйича мониторинг юритиш топширилсин.

4. Вилоят ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи (О.Аслонов), вилоят Телерадиокомпанияси (Қарчиғаев), Матбуот ва ахборот бошқармаси (Умирзоқов), “Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” газеталари таҳририяти давлат корхонаси (Жўраев)га ушбу Қонуннинг мазмун ва моҳиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вилоят ҳокими** **К.Турсунов**